

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида**  
**УДК 616.-089.163.441**

**АРАЛОВ УМИДЖОН БАРАТОВИЧ**

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ЖАРРОХЛИГИДА ОПЕРАЦИЯ ОЛДИ  
ТАЙЁРГАРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Мутахассислик 5А 510120 – Анестезиология ва реаниматология**

Анестезиология ва реаниматология мутахассислиги бўйича магистр  
академик даражаси учун магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар: проф. Рахимов А.У.

Самарқанд – 2015

## МУНДАРИЖА

<b>ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙҲАТИ .....</b>	<b>3</b>
<b>КИРИШ .....</b>	<b>4</b>
<b>I БОБ. Адабиётлар шарҳи .....</b>	<b>8</b>
1.1 Қалқонсимон без касалликлари эпидемиологияси, таснифи, турлари .....	8
1.2 Қалқонсимон без хирургиясида операция олди тайёргарлик муаммолари .....	15
1.3 Қўлланилган препаратлар .....	22
<b>II БОБ. Текширув материаллари ва усуллари .....</b>	<b>25</b>
2.1 Текширилган беморларнинг умумий характеристикаси .....	25
2.2 Текширув усуллари .....	31
<b>III БОБ. Олинган натижалар .....</b>	<b>40</b>
3.1 Асосий ва назорат гуруҳи беморларини клиник ва функционал текширув натижаларининг кийёсий ҳарактеристикаси .....	40
<b>Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси .....</b>	<b>48</b>
<b>Хулоса .....</b>	<b>53</b>
<b>Амалий тавсиялар .....</b>	<b>54</b>
<b>Адабиётлар рўйҳати .....</b>	<b>55</b>



## КИРИШ

Умумжахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра эндемик бўқоқ билан дунёнинг 300 млн дан ортиқ аҳоли касалланган, яъни бу ер юзи аҳолисининг 7% ташкил қилади. Касалликнинг юқори кўрсаткичларини пасайиш ҳолатлари кўзатилмаган. Охирги 10 йилликда чет элда ва юртимизда қалқонсимон без жаррохлиги сезиларли даражада ривожланди. Дори-дормонлар ва жаррохлик усули билан нотоксик бўқоқни даволашнинг самарадорлиги кўпгина текширишлар билан асослаган, бунда тиреоид гормонлар биосинтези алмашинуви ва таъсир механизми ўрганилган (Султаналиева Р.Б.,2006). Анестезиология ва реаниматология соҳасида нотоксик бўқоқи бор беморлар билан сезиларли ютуқларга эришилган бўлсада, қон айланишининг бузилиши операция давридаги ва операциядан кейинги даврда юзага келадиган асоратларнинг кўп учрайдиган сабаби бўлиб қолмоқда. Юрак-қон томир тизимидаги яққол ўзгаришлар жаррохлик йўли билан даволаш самарадорлигини камайтиради. Россиялик олимларнинг изланишларига кўра операциядан кейинги даврдаги асорат 1-4%ни (Лукьянчиков В.С.,2000), чет эллик тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра 5-10% ни (Castiato D. Lowftz B., 2001) ташкил этган. Операциядан олдинги даврда аниқ ишлаб чиқилган маълумотлар йўқ.

Нотоксик бўқоқ аҳолининг касалланиш тузимида муҳим ўрин эгаллайди ва эндокрин касалликлари орасида кўп учрашига кўра кандли диабетдан кейинги ўринда туради (Калинин А.П. ва б, 2000). 25% беморларда эндемик бўқоқнинг қалқонсимон безининг 3 ва 4 даражада катталаниши учрайди. Тугунли ва аралаш турдаги бўқоқларни аҳоли ўртасида учраши 21% ни ташкил қилади ва уларнинг барчаси хирургик давога мухтож ( Чынгышпаев Ш.М., 2001, Калинин А.П. ва б, 2004).

Шуниси маълумки, беморлар йодгача бўлган даврда, яъни махсус тайёргарликсиз операция қилинганда, операция даврида ва операциядан

кейинги даврда кўпгина асоратларни учраши кузатилган. Келиб чиккан асоратлар натижасида 50% ўлим кузатилган (Зографски С., 2002). Комбинациялашган операция олди тайёргарлиги 1950 йилдан то Ҳозирги давргача қўлланилиб келинмоқда, натижада эрта операциядан кейинги даврдаги асоратлар миқдори сезиларли камайган. Тиреостатиклар қўлланиши натижасида кузатиладиган асоратлар: АҚБ ошиши, аритмияларнинг кўзатилиши, кўп қон кетишини олдини олиш мақсадида йодотерапия ва антиаритмик ҳамда юрак гликозидлари қўлланилмоқда (Astwood E.B., Solomon D.E., 2002). Операция олди тайёргарлиги диффуз нотоксик бўқоқ билан касалланган беморларни хирургик даволашда муҳим аҳамиятга эга. Кераклича тайёргарлиги бўлмаган нотоксик бўқоққи бор беморларни операция қилиш хавфли. Тўғри ва систематик ўтказилган операция олди тайёргарлиги операциядан кейинги асоратлар учраш эҳтимолини камайтиради.

#### **Ишнинг мақсади**

Қалқонсимон без касаллиги (диффуз нотоксик бўқоқ) бўлган беморларда операция олди тайёрлаш самарадорлигини ошириш.

#### **Ишнинг вазифалари**

1. Қалқонсимон без касаллиги бор беморларда қон айланиш ва гормонал алмашинув кўрсаткичларини операциядан олдинги даврда ўрганиш.

2. Қалқонсимон без касалигида вегетатив нерв тизими ва юрак контомир функциясини операциядан олдинги тайёргарлигида қўланган усулдан (бисопролол ва адаптол қўллаш) кейинги ўзгаришларини ўрганиш.

3. Олинган маълумотлар асосида операциядан олдинги даврда дифференцияллашган тайёргарлик усулни ишлаб чиқиш.

**Назарий аҳамияти:** барча беморларда қалқонсимон без гормонлар ҳолати операциядан олдин ва операция олди тайёргарлигидан сўнг ўрганилди.

Операция олди тайёргарлигида бисопролол ва адаптол қўллаш орқали ҚБ операциясига тайёрланган беморларда мумкин бўлган гемодинамик ўзгаришлар(қон босимининг кўтарилиши, тахикардия), нейровегетатив ўзгаришларни стабиллашига олиб келади ва юқоридаги гемодинамик ва вегетатив нерв тизими бузилишлари бўлган беморларда анестезиологик химоя сифатини ошириш имконини берди.

Таклиф қилинган операция олди тайёргарлик усули операция вақтида ва ундан кейинги даврда юз бериши мумкин бўлган юрак-қон-томир тизимидаги ўзгаришлар, вегетатив нерв тизими ҳолатининг яхшиланишига олиб келди:

**Амалий аҳамияти:** ҚБ турли касалликлари бўлган беморларни жаррохлик йўли билан даволашда операция олди тайёргарлигини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш гемодинамик, нейровегетатив бузилишларини олдини олади. Биз томондан ишлаб чиқилган операция олди тайёргарлик усулининг қўлланилиши беморларда интра ва операциядан кейинги даврда гемодинамикани кузатиш орқали операция вақтида ва операциядан кейин юз бериши мумкин бўлган гемодинамик асоратларни олдини олишга имкон беради.

**Ишнинг апробацияси:** Диссертация материаллари СамМИ клиникаси Анестезиология ва Реаниматология кафедрасида апробациядан ўтган.

### **Публикациялар**

Диссертация мавзуси бўйича 1 та мақола, 6 та тезис чоп этилган.

### **Диссертация тузилиши ва хажми**

Диссертация 68 та компьютерда терилган текстли саҳифадан тузилган, кириш, адабиётлар шарҳи, 2 та мустақил ёзилган боблар, натижалар, хулоса, амалий тавсия, абиётлар рўйхатидан иборат. Ишда 8 та жадвал ва 10 та расм келтирилган. Адабиётлар 124 та манбадан иборат.

# Г БОБ

## АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

### 1.1. Қалқонсимон без касалликлари эпидемиологияси, таснифи, турлари

Охирги йиллардаги текширувлар қалқонсимон без касалликлари билан касалланиш кўрсаткичининг ошганлигини кўрсатмоқда [5, 10, 12, 22, 37, 63, 75, 84].

Ҳозирги кунда тиреопатияларнинг кўпайиши асосан ноқулай экологик шароит ва атроф муҳитда йод дефицити билан боғлиқ. БЖССТ маълумотларига кўра қалқонсимон без патологиялари билан 300 млн дан ортиқ одамлар касалланган [5, 26, 56, 65]. Охирги 5 йилда янгидан аниқланган касалликлар сонининг абсолют ошиши иқтисодий ривожланган мамлакатларда аёллар ўртасида 83,3% ва эркеклар ўртасида 16,7% ни ташкил қилди [6, 10, 69].

Ушбу ҳолатда оператив аралашувлар сонининг ҳам тенг нисбатда ошиши кўзатишмоқда.

Қалқонсимон без касалликларининг кенг тарқалганлиги сабаблари турли хил. В. J. Durrant-Peatfield (1996) асосий сабаблар куйидагилар деб кўрсатади:

- Йод дефицити ва камдан кам ҳолларда унинг миқдори ортиқчалиги;
- Радиация, токсинлар, бошқа нохуш экологик омиллар таъсири;
- Генетик омил;
- Аутоиммун жараёнлар, антителоларнинг қалқонсимон безга таъсир қилиши;
- гипоталамо-гипофизар соҳа дисфункцияси;
- хирургик, медикаментоз омиллар.

Ҳозирги кунда қалқонсимон безнинг асосий касалликларига куйидагилар киради. [10, 15, 25]:

- аутоиммун тиреоидит;

- ўткир ости тиреоидит;
- диффуз токсик бўқоқ (Грейвс касаллиги, Базедов касаллиги);
- диффуз эутиреоид бўқоқ (калқонсимон безнинг функцияси бўзилмасдан катталашуви);
- тугунли бўқоқ (калқонсимон безда тугунлар пайдо бўлиши);
- калқонсимон без саратони.

Узок вақт давомида калқонсимон без касалликларини таърифлашда Николаев О.В. таснифи қўлланилган. Бунда калқонсимон безнинг катталашуви беш даражаси фарқланади [54]:

- 1-даража – калқонсимон без бўйинчаси катталашган, ютинганда аниқ кўринади ва пайпасланади;
- 2-даража – калқонсимон без бўлаклари ва бўйинчаси катталашган, пайпаслаганда ва ютинганда аниқланади;
- 3-даража – калқонсимон без бўйиннинг олдинги юзасини эгаллаган, унинг контурларини текислашган ва кўрикда аниқ кўринади («йўғон бўйин» дейилади);
- 4-даража – калқонсимон без кескин катталашган, бўйин шакли ўзгарган, кўрикда аниқ кўринади;
- 5-даража – бўқоқ йирик ўлчамли, бўйин шаклини бўзилган.

Ҳозирги кунда кўпинча калқонсимон без катталашушининг ихчамлаштирилган таснифи қўлланилади, БЖССТ бўйича.

Бу таснифда калқонсимон без катталашушининг икки даражаси фарқланади:

- 0-даража – бўқоқ йўқ.
- 1-даража – бўқоқ кўринмайди, лекин пайпаслаш мумкин, бунда без бўлаклари ўлчами текширувчи бош бармоги охириги фалангаси ўлчамидан катта;
- 2-даража – бўқоқ аниқ пайпасланади ва кўзга кўринади.



Қалқонсимон без касаллиқларининг умумий таснифи йўқ. Бундай тасниф асосини ташкил қилувчи асосий мезон – функционал (синдромал) бўлиши мумкин, яъни қалқонсимон без функциясига боғлиқ (гипертиреоз, гипотиреоз, эутиреоз). Бундай тасниф вариантларини кўриб чиқамиз. Лекин ундан олдин бир қатор терминологик масаларни аниқлаштириш керак.

Тиреотоксикоз термини организмда тиреоид гормонларнинг кўпайиши билан боғлиқ клиник синдром бўлиб, патогенетик жиҳатдан уч вариантга бўлинади [10, 25]:

Гипертиреоз — қалқонсимон без тиреоид гормонлари гиперпродукцияси.

Деструктив (тиреолизтик) тиреотоксикоз, қалқонсимон безнинг бир қатор ташқи ва ички омилларга нисбатан патологик реакцияси бўлиб, бунда тиреоид фолликулалар массив парчаланаяди ва уларнинг моддаси (гормонлар) қон оқимига ўтади. Бу ҳолатда қалқонсимон без гиперфункцияси бўлмайди [7, 10, 29]: Деструктив тиреотоксикоз билан кечувчи касаллиқлар, масалан, ўткир ости ва туғруқдан кейинги тиреоидитлар, қалқонсимон без гиперфункциясига (Грейвс касаллиги) қараганда нисбатан кам ақс этган тиреотоксикоз билан кечади. Бундан ташқари оқибати яхши.

Медикаментоз тиреотоксикоз - тиреоид гормон препаратлари дозаси оширилганда юзага келади [16, 29, 30].

Қуйида қалқонсимон без касаллиқларининг функционал (синдромал) таснифи:

### **Тиреотоксикоз синдроми**

1. Қалқонсимон без гормонлари ишлаб чиқарилиши ошиши натижасидаги тиреотоксикоз: Грейвс касаллиги ва кўп тугунли токсик бўқоқ
2. Тиреоид гормонларни қалқонсимон бездан ташқарида ишлаб

3. чиқарилиши билан боғлиқ тиреотоксикоз (хорионэпителиома, struma ovarii).

4. Қалқонсимон без гормонлари ишлаб чиқарилишига боғлиқ бўлмаган тиреотоксикоз: медикаментоз тиреотоксикоз ва деструктив тиреоидитларнинг тиреотоксик фазаси (ўткир ости, туғруқдан кейинги)

### **Гипотиреоз синдроми (гормонлар ишлаб чиқарилиши камайиши)**

1. Бирламчи гипотиреоз

2. Марказий генезли гипотиреоз (иккиламчи)

3. Тиреоид гормонлар транспорти, метаболизми ва таъсир қилиши бузилиши[3, 54]:

### **Қалқонсимон безнинг функцияси бузилмаслиги билан кечувчи касалликлари**

1. Эутиреоид бўқоқ: тиреоид гормонлар синтези бузилиши натижасида ривожланувчи бўқоқ

2. Тиреоид неоплазия: яхши сифатли ва ёмон сифатли ўсмалар

3. Тиреоидитлар

Қалқонсимон без етишмовчилиги бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи гипотиреозда организмда тиреоид гормонлар етишмовчилиги қалқонсимон бездаги патологиялар (парчаланиш, олиб ташланиши) сабаб бўлади, иккиламчи гипотиреозда эса қалқонсимон безда ТТГ трофик ва секретор таъсирлари пасайиши (йўқолиши) тиреоид гормонлар дефицитига сабаб бўлади (гипоталамо-гипофизар гипотиреоз) [29, 30, 35].

Бўқоқ (струма) қалқонсимон без ҳажмининг нормадан аёлларда 18 мм, эркекларда 25 мм га ошиши ҳисобланади. Макроскопик характеристикасига кўра диффуз (қалқонсимон без тўлиқ катталашган), тугунли, кўп тугунли (икки ва ундан ортиқ тугунлар бўлиши) ва аралаш (қалқонсимон безнинг катталашishi ҳамда бир ёки бир нечта тугунлар бўлиши) турлари фарқланади. Қалқонсимон без функционал ҳолатига кўра

бўқоқ эутиреоид, токсик ва қалқонсимон без функцияси пасайиши билан кечувчи турларга бўлинади [3, 10, 24].

Қалқонсимон без касалликлари функционал таснифи оддийлигига қармасдан бир қатор камчиликларга эга. Қалқонсимон без касалликларининг кўпчилигида без функцияси турғун бўлмайди. Бу қалқонсимон безнинг деструктив тиреотоксикоз билан кечувчи касалликларида яққол кўринади. Сурункали аутоиммун тиреоидитда узок давом этганда эутиреоид фаза субклиник гипотиреоз, кейинчалик аниқ гипотиреоз билан яқунланиши мумкин. Йод дефицит жойларда кўп тугунли бўқоқда тироцитлар функционал автономияси ошган сари эутиреоид аста секин тиреотоксикозга ўтиши кузатилган. Шунинг учун ҳозирги кунда қалқонсимон без касалликларини этиологиясига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3, 10, 25, 54].

Кўпинча бўқоқ ривожланишига турли бўқоққа олиб келувчи омиллар сабаб бўлади, улардан энг кўп тарқалгани организмга йод тушишининг дефицити ҳисобланади. Бу ерда тиреоид патологиянинг ўзига хос хусусиятини айтиб ўтиш керакки, қалқонсимон без касалликлари спектри, тарқалганлиги ва оқибати бемор яшаётган муҳитдаги йод ҳолатига (етишмаслиги, нормада, ортиқча) чамбарчас боғлиқ [25, 54].

#### **Қалқонсимон без касалликларининг этиологик таснифи**

1. Аутоиммун тиреопатиялар: Грейвс касаллиги (Базедов касаллиги, диффуз токсик бўқоқ); Аутоиммун тиреоидит
2. Коллоид, турли даражада пролиферацияланган бўқоқ: Диффуз эутиреоид бўқоқ; тугунли ва кўп тугунли бўқоқ
3. Инфекцион тиреопатиялар: ўткир ости тиреоидит; ўткир йирингли тиреоидит; Специфик тиреоидитлар
4. Ўсмалар: яхши сифатли; ёмон сифатли
5. Туғма (наслий) тиреопатиялар

б. Бошқа орган ва системалар патологиясида қалқонсимон без касалликлари[3, 25, 54].

Инфекцион тиреопатиялар, ўткир ости тиреодитдан ташқари, этиологияси охиригача аниқланмаган, нисбатан кам кузатилади, кўпинча барча эндокрин безларнинг инфекцион касаллиги сифатида ривожланади. Қалқонсимон без касалликларининг алоҳида тури сифатида морфологияси ва оқибати бўйича анча фарқ килувчи ўсмалари ва тугма (наслий) касалликлари алоҳида ўрин тутди [25, 65, 66].

### **Диффуз нотоксик бўқоқ ва тугунли бўқоқ**

Қалқонсимон безнинг йод дефицити натижасида энг кўп ривожланадиган касаллик тури йод дефицити ёки эндемик бўқоқ ҳисобланади. Йоднинг суткалик эҳтиёжи 150-250 мкг (Европа мамлакатларида 300 мкг/ суткагача, АҚШ да – 400-500 мкг/сутка ва ундан кўп). Йод организмга кун давомида 100 мкг дан кам тушганда қалқонсимон безнинг компенсатор катталашиши кузатилади.

Йод дефицитли бўқоққа характерли: 1) 24 соат давомида радиоактив йодни ютилиши 50% дан юқори (радиойоддиагностика ўтказилганда); 2) сийдик билан йод экскрецияси камайиши, 24 соатда ёки 1 литрда 50 мкг дан камлиги; 3) тиролиберин билан стимуллашда ТТГ юқори жавоб реакцияси. Қонда тиротропин ошган ёки нормада, қон зардобидида  $T_4$  камайган,  $T_3$  миқдори ошган.

Йод дефицитли бўқоқнинг асосий этиологик омили йод етишмовчилиги бўлсада, бошқа омиллар ҳам пермиссив аҳамиятга эга (аҳолининг яшаш шароити, маънавий ва ижтимоий даражаси, овқат билан қабул қилинадиган микроэлементлар миқдори). Текширувлар давомида йод етишмовчилигининг қалқонсимон без фаолиятига таъсирини кучайтирувчи ва камайтирувчи ташқи муҳит омиллари аниқланган. Уларнинг айримлари, масалан, флавоноидлар, тирод пероксидазани ингибирлайди, бошқалари – қалқонсимон безда йод ушланиши, унинг

транспорти ва органификациясини кучайтиради. Ичак таёкчаси ўз ҳаёт фаолияти давомида номаълум оксиллар ёки ферментлар ишлаб чиқаради, улар қалқонсимон безнинг йодни ушлаш қобилиятини пасайтиради [7]: шунингдек, йод дефицит касалликлар ва оддий нотоксик бўқоқ патогенезида аутоиммун жараёнлар иштирок этиши кўрсатилган. Тироидстимулловчи ва ТТГ ни рецептор билан боғланишини ингибирловчи иммуноглобулинлар топилган [3, 7, 10].

Диффуз нотоксик бўқоқларда қалқонсимон безнинг катталашини организмга йоднинг кам тушиши ва унинг тироид гормонлар синтези учун етишмаслигига жавобан компенсатор гиперплазияси билан характерланади. Қонда тироид гормонлар камайганда ТТГ секрецияси ошади, натижада без диффуз гиперплазияси, кейинчалик тугунлар пайдо бўлади. Организмга йод кам тушиши натижасида хужайра ичи супероксиддисмутазаси етишмовчилиги ривожланади, бу эса безнинг гиперплазиясига олиб келади [7, 10, 25]. Бундан ташқари, йод дефицит ҳолатларда қалқонсимон без функцияси етишмовчилиги эркин радикаллар умри ва деструктив таъсир вақтини узайтирувчи метаболик фон хисобланади. Нормада қалқонсимон без 1 г тўқимасига 500 мкг йод тўғри келса, йод дефицитли бўқоқда – 100 мкг йод тўғри келади[25].

Диффуз нотоксик бўқоқда қалқонсимон безнинг йод дефицит ҳолатда катталашини клиник кўриниши спорадик ёки оддий нотоксик бўқоқдан фарқ қилмайди. Қалқонсимон безнинг диффуз катталашини асосан қиз болаларда пубертат даврида кузатилади. Катталарда безнинг диффуз катталашини фонида битта ёки бир нечта тугунлар пайдо бўлади, қалқонсимон без ўлчамлари жуда катталашиб, кўкс оралиғи органларининг босилиш симптомлари кўшилади. Тугунларнинг бирига спонтан қон куйилиши ва бу тана ҳароратининг кўтарилиши, яллигланиш реакцияси ва қон зардобиде тироглобулин миқдори ошиши билан бориши кузатилган. Тугунли бўқоқ йод дефицит жойларда бошқа ҳудудларга қараганда

кўпинча ёмон сифатли ўсмага ўтиши кузатилади, бунда кўпинча фолликуляр рак ва анапластик карцинома кузатилади, уларнинг кечиши жуда агрессив ҳисобланади. Папилляр рак эса йод дефицит бўлмаган жойларда кўп кузатилади.

Диффуз нотоксик бўқоқ ва тугунли бўқоқи бор беморларнинг асосий қисмида нерв системасининг (кайфиятнинг бузилиши, эмоционал лабиллик, юрак тез уриши, қон босимининг ўзгариб туриши) ўзгаришлари кўп учрайди[19,34,58,82].

## **1.2 Қалқонсимон без хирургиясида операция олди тайёргарлик муъаммолари**

Охирги ўн йил давомида ҚБ касалликлари сонининг тухтовсиз равишда ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу билан бирга ҚБ айрим касалликларининг асосий даволаш усули бўлган хирургик аралашувлар сони ҳам ошиб бормоқда [7, 10, 13, 52, 55]. Ҳар йили ривожланган мамлакатларда ҚБ турли патологиялари юзасидан 40 мингдан ортиқ операциялар амалга оширилади [34, 40].

Адабиётлардаги маълумотларга кўра ҚБ саратонининг токсик шакллари билан бирга келиш частотаси ошиб бормоқда [10, 35, 55], бу эса анестезиолог олдида турган ушбу категориядаги беморларни операцияга тайёрлаш ва операцион даврда олиб бориш масаласини янада қийинлаштиради.

Анестезия ва операциядан кейинги аналгезия схемасига опиоид-саклаб турувчи ностероид яллигланишга қарши препаратларни қўшиш ўткир оғриқни даволаш сифатини оширади ва операциядан кейинги сурункали оғриқ синдроми ривожланиш хавфини камайтиради [11, 50, 51].

Қалқонсимон без операцияларига беморларни тайёрлашда дифференциациялашган қўлланма керак. Биринчи ва иккинчи даражали бўқоқ ёки без гиперфункциясиз тугунли бўқоқ бўлган беморларни махсус тайёрлаш шарт эмас. Учинчи ва ундан оғир даражали нотоксик

бўқоқларни операция олди тайёргарлиги икки йўналишда олиб борилади:

а) калқонсимон без функциясини сусайтирувчи препаратлар билан махсус тайёрлови.

б) касаллик натижасида юзага келган ўзгаришларни компенсациясига қаратилган тайёрлови.

Тиреостатик эффект учун кўпинча имидазол хосилалари, асосан мерказолил қўлланилади, 5-10 мг кунига 3-4 махал овқатдан сўнг 3-6 хафта давомида буюрилади. Мерказолил билан тайёрлаш операция вақтида қон кетишни оширади, шунинг учун у операциядан 1,5-2 хафта олдин тўхтатилади. Қолган вақтда йод препаратлари (кўпинча Люголь эритмаси 10 томчидан кунига 3 махал) буюрилади. Бу препаратларни қўллаш безни кичрайтиради ва васкуляризациясини камайтиради, параллел равишда умумий гемодинамика яхшиланади ва асосий алмашинув камаяди. Тиреостатиклар билан терапия ўтказишда ҳар хафта қоннинг клиник таҳлили қилиниши керак (гранулоцитопения хавфи бўлади), билирубин даражаси ва аминотрансферазалар активлиги текширилиши керак [12, 19, 26, 42].

Ҳаддан ортиқ тахикардия, аритмияси бор бўлса антиаритмик препаратлар ҳамда юрак гликозидларини қўллаш талаб қилинади. Глюкокортикоидлар қўллаш тавсия қилинади, улар антитиреоид хусусиятга эга ва юрак-қон томир системаси резистентлигини оширади [56, 57]. Шу мақсадда гидрокортизон суткасига 75-100 мг операциягача 3-5 кун ва операциядан кейин 3-5 кун буюрилади. Операция олди тайёргарлигига седатив препаратлар, транквилизаторлар ва симпатолитик препаратларни қўшиш керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқорида келтирилган антитиреоид препаратлар ва йод препаратларини бирга қўллаш ҳар доим ҳам керакли эффект бермайди. Операциядан олдин нотоксик бўқоқни белгиларини йўқотишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш устидаги изланишлар давом

этмоқда. Оғир даражадали бўқоқи бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлаш етарли даражада А.П. Калинин ва М.И. Неймарк (2003) ишларида ёритилган [51]. Бу йўналишда перспектив равишда бета-адреноблакаторлар, литий тузлари ва бошқа препаратлар қўлланилади (орографин, серотонин). Бета-адреноблакаторларнинг даво таъсир механизми аниқланмаган. Фикрларга кўра, бу гуруҳ препаратлари периферик қонда тиреоид гормонлар миқдорини камайтиради ва имидазол ҳосилалари ва тироурацилга қараганда кучлироқ антитиреоид таъсир кўрсатади [62, 71]. Бета-адреноблакаторлар билан операция олди тайёргарлиги тез, хавфсиз ва эффектив усул ҳисобланади. Операция олди тайёргарлигида анаприлин ва унинг аналоглари қабул клиниши 1-2 ҳафта, суткалик дозаси 120-240 мг. Анаприлин 10 кун давомида кунига 1,5-2 мг/кг дан қўлланилади. Айтиб ўтиш керакки, агар беморда бошқа антитиреоид препаратларга аллергия бўлса бета-адреноблокаторлар нотоксик бўқоқ ва тиреотоксикоз билан беморларни даволаш ва операцияга тайёргарликларда ягона препарат бўлиши мумкин [30, 52].

Бета-адреноблакаторлар билан тайёрлаш ҳам камчиликлардан холи эмас. Уларнинг асосийси манфий инотроп эффект ва тиреотоксикозга кўпинча йўлдош касаллик бўладиган юрак-қон томир етишмовчилигининг оғирлашиши ҳисобланади. Катта дозада бета-адреноблакаторларни қўллаш анестезия вақтида потенциал хавфли ҳисобланади, бир қатор анестетиклар билан бирга таъсирлашганда гемодинамик асоратларга (брадикардия, гипотония) олиб келиши мумкин [22, 63]. Нотоксик бўқоқи бор беморларда бета-адреноблакаторларни қўллашдаги асоратларни олдини олиш учун бир қатор олимлар ноҳуш ҳолатларни олдини оладиган перапаратлар билан бирга қўллашни тавсия қилади.

Литий тузлари кучли тиреостатик активликка эга. Препарат бевосита гормоногенезга ингибирловчи таъсир кўрсатади ва тиронинлар периферик алмашинувига таъсир қилади. Литийнинг ўртача кунлик дозаси



500-1500 мг. Клиник эффект даволаш бошлангандан сўнг 12-15 кун кейин кўринади. Литий тузлари яқиндан буён қўлланилаётган бўлсада асоратлар тўғрисида маълумотлар бор. Анестезия вақтида бўлмача-коринча тутами блокадаси ва невр-мушак блокадаси чўзилиши литий карбонат билан даволаниш асорати сифатида каралади [20, 57, 59, 72].

Охирги йилларда айрим беморларни операция олди тайёргарлигида сорбцион усуллар (гемосорбция ва плазмаферез) қўлланилиб, бунда циркуляциядаги қондан тиреоид гормонлар олиб ташланади ва аутоиммун жараёнлар йўқотилади [35]. Бу усулга тиреотоксикоз генезида иммун система бузилиши, асосан тиреостимулловчи иммуноглобулин миқдори ошиши муҳим роль ўйнаши аниқланган текширувлар асос бўлди [7, 30, 31]. Диффуз токсик бўқоқ бўлган 95% беморларда гипертиреоз қалқонсимон безнинг аутоиммун патологияси билан боғлиқ [51].

Қалқонсимон без патологияси бузилиши бўлган беморларда премедикация таркибида психоэмоционал зўриқишни камайтириш учун нейролептиклар, анальгетиклар, ухлатувчи ва антигистамин препаратлар қўлланилиши керак. Маълумотларда дроперидол ва фентанил ҳамда триоксазин билан премедикациянинг яхши эффект берганлиги кўрсатилган [20, 46].

Холинилитикларни дозасини белгилашда эҳтиёт бўлиш лозим. Бу препаратларнинг ортиқча миқдори тахикардияни кучайтириши мумкин. Скополаминни холинолитик ва седатив эффектига кўра қўллаш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган [20, 46].

Қалқонсимон без хирургиясида оғриқсизлантириш бир хил бўлмаслиги керак [28,41,104]. Дифференциацияланган ҳолда анестезия усулини танлаш лозим. Анестезия усулини танлашда ҳисобга олинандиган қуйидаги факторлар мавжуд: қалқонсимон без функционал ҳолати, бўқоқ характери, ўлчами ва жойлашиши, бўйин анатоми-топографик

тузилишлари ўзгарганлик даражаси, беморнинг ёши ва операциядан олдинги ҳолати. Маҳаллий анестезиянинг асосий камчилиги нотоксик бўқоқи бор беморда кучли психик травма бўлишидир. Маҳаллий анестезия билан бирга нейролептаналгезия ёки атаралгезия усуларини бирга қўллаш усуллари мавжуд. Нотоксик бўқоқи бор беморларда тиреоидэктомия ўтказилишида кўп компонентли эндотрахеал анестезия ўтказиш тарафдорлари кўп. Лекин анестезия бу усулида беморнинг овозини назорат қилиш имкони бермайди. Лекин кайтувчи нервнинг шикастланиш хавфи бевосита оператив аралашув техникасига боғлиқ [69]. Маҳаллий ва эндотрахеал анестезиядан остидаги операцияларда операциядан кейинги афония частотаси деярли бир хил [72].

Йирик ва рецидивланган бўқоқ, сурункали тиреоидитлар, қалқонсимон безнинг инфильтрацияланган ўсмалари, патологик жараённинг ноодатий жойлашувида (ретростернал, трахея атрофида, интраторакал) сўзсиз эндотрахеал умумий анестезия қўлланилади. Айтиб ўтиш керакки, бундай беморларда трахея интубацияси қийинчилик билан ўтказилади. Операциядан олдин барча беморларда ларингоскопия ўтказилиши керак [72].

Анестезия ва операция вақтида юрак-қон томир системаси томонидан потенциал асоратлар юзага келиши мумкин (аритмиялар, қон босимининг ўзгариб туриши, ҳалқум шиши ва пневмоторакс). Лидокаин ва бета- адреноблокаторлар, стероид гармонлар тахикардия ва қоринчалар тахиаритмияси ҳиқилдоқ шишни даволаш ва олдини олиш имконини беради. Қалқонсимон безнинг катта бўқоққи ёки ўсмаси олиб ташланганда олдин трахеяни босиб турган ва хондромалацияга олиб келган бўлса, тархея экстубациясида трахея коллапси рўй бериши мумкин. Бу ҳолатда трахеостомия қилиш ёки трахея қайта интубация қилиниши керак, трубка босилиш жойидан дисталроқ киритилади [30, 43]. Операциядан кейинги яқин даврда нафас бузилишларига операция соҳасида юзага келган

гематома, ҳалқум шиши, ҳалқум нервлари шикастланиши ва бўйин чуқур фасцияси жарохатланганда пневмоторакс сабаб бўлиши мумкин.

ҚБ хирургиясида муҳим масалалардан бири марказий, сегментар ва периферик эффе́ктив антиноцицептив блокадани таъминловчи ва хирургик стресс ривожланишининг олдини оловчи анестезиологик қўлланмани танлаш ҳисобланади [13, 15, 24].

Оператив аралашув соҳасининг анатомик хусусиятлари билан боғлиқ интра- ва постоперацион асоратлар ривожланиш хавфи юқорилиги ҚБ операцияларида анестезиологик қўлланмани мукамаллаштириш масаласининг долзарблигини кўрсатади [26, 28, 34, 39, 57].

Адабиётларда ҚБ касалликларини хирургик даволашда маҳаллий ва трахея интубацияси билан умумий анестезия турли усулларини қўллаш юзасидан кўплаб тажрибалар кўрсатилган [20, 21, 30, 39, 57]. Шу билан бирга, кўп йиллар давомида умумий анестезиянинг турли усулларини қўллаш шуни кўрсатдики, улар операция вақтида шикастловчи стрессов таъсирни ва гомеостаз бузилишини бартараф қила олмайди [49, 50, 51, 63].

Маълумки, эффе́ктив анестезиологик химояни таъминлаш учун операцион жарохатдан тарқалувчи ноцицептив оқим интенсивлик даражасини хавфсиз даражагача пасайтириш, стресс, гемодинамик, эндокрин ва метаболик реакцияларни йўқотиш, оғриқни психологик сезиш ва у билан бирга келувчи эмоционал реакцияларни бартараф қилиш керак [10, 20, 22, 30].

Оғриқ импульсациясини ўтказилишига таъсир қилувчи турли хил дори препаратлари ўртасида оғриқсизлантириш таъсирига кўра опиоидлар етакчи ўринни эгаллайди. Улар қўлланилганда оғриқ импульсларининг афферент йўл марказий қисмида ўтказилиш жараёни узилади, оғриқни сезиш, баҳолаш ва унга нисбатан реакция йўқолади [11].

Анестезия вақтида NMDA-рецептор антогонистларини қўллаш ўзига яраша ахамиятга эга, улар аналгезия кучайтирилиши билан марказий сенситизацияни бушаштиради [47, 54, 61, 63].

Барча маълум анестетик ва наркотик аналгетиклар ўрта терапевтик дозада ҳам МНС когнитив ва психомотор функцияларига нохуш таъсир кўрсатади [17, 21, 23, 25, 65, 69]. Операциядан кейинги когнитив дисфункция ривожланишининг айрим механизмлари маълумлигига қарамадан клиник амалиётда бош миёна ҳимоялаш усуллари етарлича ишлаб чиқилмаган [33]. Операциядан сўнг юқори психик функцияларни эрта тикланиши учун цитофлавин қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, у таркибидаги аденозин рецепторларига таъсир қилувчи инозин ҳисобига антиоксидант ва аналгетик эффектга эга [7, 47, 62, 72].

Тиреоидэктомиядан кейин энг оғир асорат тиреотоксик криз ҳисобланади [7, 28, 57]. Бу асоратнинг эрта белгиларидан бири тана ҳароратини 40-41° С гача ошиши бўлиб, ошиб борувчи тахикардия ёки ҳилпилловчи аритмия, кўп қусиш ва диарея сабабли дегидратация, коллапс, олигурия, кўзғалиш ва хушдан кетиш билан боради. Тиреотоксик криз патогенези аниқланмаган. Бирқатор олимлар қонга тиреоид гормонларнинг кўп ажралиши тиреотоксик кризга олиб келади дейишади [22, 42].

Тиреотоксик кризни интенсив терапияси асосий йуналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. нервнo-вегетатив блокада ва беморни тинчлантириш (фенотиазин ҳосилалари, барбитуратлар, нейрoлептаналгезия учун препаратларни қўллаш);

2. вена ичига томчилаб 10% натрий йодид қуйиш, суткалик дозаси 2-3 г, тиреостатик эффектга эришиш учун;

3. гемодинамика стабилизацияси (декстранлар, плазма, гемотрансфузия);

4. метаболик ацидоз коррекцияси;
5. гидрокортизон 300-400 мг суткасига;
6. гипертермияда беморни совутиш чора-тадбирларини қўллаш ва қалқонсимон безга локал гипотермия қўллаш[10, 11, 81].

Шунингдек, операциядан кейинги гипокальциемик тетания ҳам ҳавфли асорат ҳисобланади. Бу қалқонсимон без олди безлари олиб ташланиши билан боғлиқ асорат бўлиб, ушбу ҳолатни даволашда вена ичига кальций хлорид ёки кальций глюконат юборилади ва хар куни паратгормон (2-4 мл м/о) билан ўринбосар терапия ўтказилади[10, 11].

### **1.3 Қўлланилган препаратлар**

Биз асосий гуруҳ беморларига операция олди тайёргарлик муддатида бисопролол, адаптол, мексидол препаратларини буюрдик.

Бисопролол – кардиоселектив бета<sub>1</sub>-адреноблокатор, селектив равишда бета<sub>1</sub>-адренорецепторни блоклайди. 20 мг ва ундан юқори дозада бронхлар, томирлар бета<sub>2</sub>-адренорецепторларини блоклайди [10, 16, 28,36]. Юракнинг барча функцияларини сусайтиради: юрак қисқариш частотаси камаяди, минутлик хажми камаяди ва б. томир ҳаракатлантирувчи марказ симпатик қисми тонусини пасайтиради, юрак зарб хажмини, систолик артериал босим САБ ва диастолик артериал босимни ДАБ камайтиради. Антиангинал таъсири миокард қисқарувчанлигини ва бошқа функцияларини, юрак ишини ва миокардни кислородга бўлган эҳтиёжини (тинчликда ва жисмоний зўриқишда) камайтириш ҳисобига юзага чиқади. Синус ва AV тугун эффектив рефрактер даврини ўзайтиради, AV ўтказувчанликни камайтиради. Бисопролол тиреоид гормонлар миқдорига таъсир қилмайди 5-10 мг дан 1 махал ичилади[10, 11, 16, 28]. Бета-адреноблокаторлар билан тайёрлаш ҳам камчиликлардан холи эмас. Уларнинг асосийси манфий инотроп эффект ва тиреотоксикозга кўпинча йўлдош касаллик бўладиган юрак-қон томир етишмовчилигининг оғирлашиши ҳисобланади. Катта дозада бета-

адреноблакаторларни қўллаш анестезия вақтида потенциал хавфли ҳисобланади, бир қатор анестетиклар билан бирга таъсирлашганда гемодинамик асоратларга (брадикардия, гипотония) олиб келиши мумкин [22, 28, 63]. Нотоксик бўқоқи бор беморларда бета-адреноблакаторларни қўллашдаги асоратларни олдини олиш учун бир қатор олимлар ноҳуш ҳолатларни олдини оладиган перапаратлар билан бирга қўллашни тавсия қилади[28,42,86,122].

Максимал суткалик миқдори 20 мг. Аниқ дозалаш индивидуал равишда, юрак қисқаришлар сони ва даволаш эффективлигига кўра танланади. Таблетка эрталаб оч коринга ёки нонушта вақтида ичилади. Бисопролол таблеткасини чайнамасдан ва кам миқдорда сув билан ичиш керак. Бисопролол дорисини юрак қисқариш сонини камайтириши, минутлик хажми камайтириши ва б. томир ҳаракатлантирувчи марказ симпатик қисми тонусини пасайтириши, юрак зарб хажмини, систолик артериал босим САБ ва диастолик артериал босимни ДАБ камайтириши, юрак ишини ва миокардни қисқаришга бўлган эҳтиёжини камайтириш ҳисобига олган ҳолда буюрдик. Айнан шу клиник белгилар нотоксик бўқоқи бор беморларда учрайди. Биз асосий гуруҳ беморларимизга бисопрололни 10 мг дозада операциядан олдин ва операция куни, операциядан кейин 5 мг дан 1 маҳал ичишга 1 хафта муддатга буюрдик.


Адаптол – Анксиолитик (транквилизатор). Адаптол кимёвий тузилишигага кўра организм табиий метаболитларига яқин – унинг молекуласи иккита метилланган мочевина фрагментларидан иборат, улар биоциклик тузилишли таркибига киради. Транквилизаторлар безовталиқ, кўрқув, ваҳима, ҳовотирлик, ички эмоционал зўриқиш ва кўзгалувчанликни йўқотади ёки камайтиради. Тинчлантирувчи эффект миорелаксация ва ҳаракат координацияси бузилиши билан ўтмайди[11, 14, 28, 36]. Адаптол қалқонсимон бездаги ўзгаришларга таъсир қилмайди. Ухлатувчи тасирга эга эмас, ухлатувчи воситаларни тасирини кучайтиради

ва уйқунинг бузилишларини яхшилайдди. Нотоксик бўқоқларда беморларнинг асосий безовта қиладиган белгилар ички эмоционал зўриқиш, қўрқув, вахима, қўзғалувчанлик, безовталиклари бўлгани учун асосий гуруҳ беморларига 500 мг дан кунига 2-3 махал буюрдик.

## II БОБ ТЕКШИРУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

### 2.1. Текширилган беморларнинг умумий характеристикаси

Беморларни текшириш ва даволаш СамМИ клиникаси хирургия бўлимида 2011-2014 йиллар давомида олиб борилди, шунингдек, архив материалларидан фойдаландик. Жами диффуз нотоксик бўқоқ ташхиси билан даволанган 110 нафар беморни танлаб олдик. Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳ 56 нафар бемор, операция олди тайёргарлик



жараёнида беморларга бисопролол ва адаптол буюрдик. Назорат гуруҳида 54 нафар беморда одатдаги (юрак метаболиклари ва умумий қўлаб қувватловчи дори воситалари) операция олди тайёргарлиги ўтказилди. Барча беморлар тўлиқ клинко-диагностик текширилди, керакли параклиник, биохимик ва инструментал текширувлар ўтказилди.

Ишимизнинг мақсади ва вазифаларига кўра беморларда касаллик кечиши, огирлик даражаси аниқланди, клиник жихатдан бахоланди, комплекс текшириш ва даволаш ўтказилди.

Диагнозни қўйиш учун биз беморлар анамнези, касаллик белгилари, йўлдош касалликларни аниқладик. Куйида келтирилган барча лаборатор-инструментал текширувларни ҳамда мутахассислар кўригини ўтказдик.

Текширилган хар иккала гуруҳ беморларидан 36 нафари шаҳарда, қолган 74 нафари қишлоқда яшаганлиги аниқланди. Куйидаги жадвалга кўра беморларнинг аксарият қисми қишлоқ шароитида хаёт кечиради, бу эса касалликнинг экология ўзгаришлари, сув ва тупроқда йод етишмовчилигига боғликлигини тасдиқлайди.



Жадвал №2.1

**БЕМОРЛАРНИ ЯШАШ ЖОЙИГА КЎРА ТАКСИМЛАНИШИ**

Гуруҳлар	Шахардан	Қишлоқдан
Асосий гуруҳ	18	38
Назорат гуруҳи	18	36

2.2 жадвал ва 2.1 расмга кўра беморлар ёши 18 дан 76 ёшгача кўрсаткичда бўлди (ўртача  $43,5 \pm 2,6$  ёш). Беморларнинг кўпчилигини 46-60 ёшдаги - 54 (49,1%) беморлар ташкил қилди, энг кам 29 ёшдан кичикларда ва 60 ёшдан катталарда кузатилади - жами 36 (32,1%) нафар беморлар.


Жадвал №2.2

**БЕМОРЛАРНИНГ ЁШИГА КЎРА ТАКСИМЛАНИШИ**

Ёш	Текширилган беморлар гуруҳи					
	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи		Жами	
	Сони	%	сон	%	сон	%
<b>29 ёшгача</b>	8	14,3±2,5	10	18,6±2,1	18	16,4
<b>30-45 ёш</b>	11	19,6±3,4	9	16,7±3,2	20	18,2
<b>46-60 ёш</b>	28	50±2,4	26	48±2,3	54	49,1
<b>61-76 ёш</b>	9	15,9±1,4	9	16,7±1,2	18	16,3
<b>Жами</b>	56	100%	54	100%	110	100%

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларнинг асосий қисмини аёллар ташкил қилди – 87 нафар бемор, бу маълумот

адабиётларда келтирилган аёлларнинг диффуз нотоксик бўқоққа мойиллик даражаси юқори эканлигини тасдиқлайди (жадвал 2.3, расм.2.1).



Расм. 2.1 Беморларнинг жинсига кўра тақсимланиши

Жадвал №2.3

### БЕМОРЛАРДА АНИҚЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎЛДОШ КАСАЛЛИКЛАР


Касалликлар	Текширилган беморлар гуруҳи					
	Асосий гуруҳ n=56		Назорат гуруҳи n=54		Жами n=110	
	сони	Авс%	Сони	Авс%	сони	Авс%
Юрак-қон томир касалликлари(ЮИК, АГ)	16	28,6	18	33,3	34	30,9
Нафас олиш органлари касалликлари(ЎСОК)	3	5	2	4	5	4,5
Қандли диабет	9	16,1	10	18,5	19	17,3
Бошқа касалликлар	2	3,4	5	10	7	6,3
Камқонлик	46	82,1	42	77,78	88	80

Текширилган беморларда қалқонсимон без патологияси (диффуз нотоксик ва тугунли бўқоқ) билан бирга аниқланган бошқа йўлдош касалликлардан камқонлик 80% беморларда аниқланди. Юрак-қон томир системаси патологияси (артериал гипертензия, миокардиодистрофия, юрак ишемик касаллиги) ва моддалар алмашинуви касалликлари (кандли диабет) кузатилди. Шундай қилиб, юқоридаги жадвалда келтирилган кўрсаткичларга кўра шундай хулоса қилиш мумкинки, операцияга тайёрланган беморларнинг кўпчилиги йўлдош касалликларга эга бўлди, бу эса жаррохлик аралашувда асоратлар юз бериш хавфини янада оширади.

#### Жадвал №2.4

### БЕМОРЛАРНИ ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАТТАЛАШИШ ДАРАЖАСИГА КўРА ТАҚСИМЛАНИШИ (Николаев бўйича)

Катталашиниш даражаси	Асосий гуруҳ n=56	Назорат гуруҳи n=54	Илова
<b>0 даража</b>	-	-	Қалқонсимон без пайпаслаганда билинмайди ва кўрикда кўринмайди;
<b>I даража</b>	-	-	Пайпаслаганда без бўйинчаси билинади, кўрикда кўринмайди;
<b>II даража</b>	-	-	Безнинг хар иккала бўлаги ва бўйинчаси пайпасланади, ютинганда кўринади;
<b>III даража</b>	<b>31</b>	<b>28</b>	Кўрикда аниқ кўринади, бўйин семиз, юмалок бўлиб кўринади;
<b>IV даража</b>	<b>18</b>	<b>15</b>	Без бўйин қонфигурациясини бузади, унинг ён қисмлари кўкрак-сўрғичсимон мушак четки қирғоғидан ҳам ташқарига чиқади;
<b>V даража</b>	<b>7</b>	<b>9</b>	Бўқоқ катта ўлчамда, бўйин шаклини бузади.



**Расм. 2.2 Беморларнинг қалқонсимон без катталашиниш даражасига кўра тақсимланиши**



Қалқонсимон без катталашганлиги визуал ва пальпатор текширувда аниқланди. Беморларнинг қалқонсимон без катталашиниш даражасига кўра тақсимланишида кўпчилик беморларда III-даражали катталашиниш бўлганлиги аниқланди – асосий гуруҳдан 31 та (55%) беморда, назорат гуруҳидан 28 та (52%) беморларда. Қалқонсимон безнинг IV даражали катталашиниши – асосий гуруҳда 18 та (32%) беморда, улардан назорат гуруҳида 15 (28%) тасида, V даражали катталашиниш асосий гуруҳнинг 7 та (13%) беморида ва назорат гуруҳининг 9 та (17%) беморида кузатилди.

Барча беморлар режали равишда оператив аралашувга тайёрланди. Операциядан олдин барча беморларда премедикация ўтказдик.

Операциядан олдин кечасига бензодиазепинлар (сибазон, дормикум) буюрдик. Операцион столда премедикация атропин сульфат (0,07 мг/кг) ЮКСга қараб буюрилди, промедол (0,15 - 0,2 мг/кг), димедрол (0,2 - 0,3 мг/кг). Асосий гуруҳ беморларига бисопролол беморларга қон босимининг кўтарилиш даражасига ва ЮКС га қараб доза тайинланди. Операциядан олдин ва операция куни, беморларнинг нейровегетатив тизимини ўрганган ҳолда адаптол 500 мг 2 маҳал операциядан олдин ва операция куни, операциядан кейин беморларнинг эъмоционал ҳолатига қараб тайинланди.

## **2.2. Текширув усулари**


Барча беморларни текшириш клинико-аналитик усулда олиб борилди, ҳамда беморлар невропатолог, эндокринолог, терапевт, окулист, ЛОР, кардиолог мутахассислари томонидан текширилди, шунингдек, инструментал текширув усуллари туказилди. Клинико-аналитик усул асосини ретроспектив анализ, анамнез маълумотлари, объектив ва клинико-лаборатор текширув натижалари ташкил килди.

Куйидаги лаборатор-инструментал текширув усуллари ўтказилди:

### **I. Асосий текширув усуллари**

1. Қон ва сийдикнинг умумий тахлили;
2. Қоннинг клинико-биохимик текшируви: билирубин, АЛТ, АСТ, мочевина, креатинин, умумий оксил, шунингдек, Сухарев бўйича қон ивувчанлиги, ПТВ ва ПТИ;
4. ЭКГ;
5. Гемодинамик кўрсаткичлар (АБ, ЮКС, пульс);
6. Қалқонсимон без УТТ.
7. Қонда ТТГ, Т3, Т4 миқдорини аниқлаш.
8. Кердо индексни аниқлаш.
9. Кандли диабетда ёки токсик бўқоқда эндокринолог хулосаси
10. Кардиолог, невропатолог, ЛОР кўриги.

**ЭКГ текшируви** барча беморларда шифохонага ётқизилган куни ўтказилди, операция давомида ритм ва ўтказувчанлик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида ЭКГ- МОНИТОР ЭКЗТ-“р-Д” билан монитор текшируви ўтказилди.



**Гемодинамик кўрсаткичлар (АБ, ЮКС, пульс)** шифохонага ётқизилган куни ва операциягача бўлган тайёргалик давомида текширилди ва операция вақтида мониторда кузатилди.

**Қалқонсимон без ультратовуш текшируви.** Қалқонсимон безнинг диагностик усули бўлиб, бунда ультратовуш ёрдамида унинг сурати олинади. УТТ текшируви натижаларига кўра органдаги хосилалар ва тугунлар, орган функцияси бузилганда без яллигланиши ва структурасидаги патологик ўзгаришларнинг дифференциал диагностикаси амалга оширилади. Қалқонсимон без функцияси тиреотоксикоз ва гипотиреозда бузилади. Умумий профилактик чора-тадбир сифатида қалқонсимон без УТТ давомида қалқонсимон без зарарланиш симптомлари аниқланади.

Барча беморларда қалқонсимон без ультратовуш текшируви Филлипс фирмаси чизикли датчикли 5-7 мгц УТТ "SD-800" ва 3,75 ва 5,0 мгц датчикли "Fukuda Densi UF - 4100" аппаратлари ёрдамида ўтказилди.



Қалқонсимон без эхографик суратида диффуз нотоксик бўқоқдаги морфологик ўзгаришларни баҳолашда куйидаги мезонларни аниқладик:

- Қалқонсимон без ўлчами, эхо-зичлиги, шакли ва эхо-структураси;
- Уйқу артерияси пульсациясини баҳолаш йўли билан қалқонсимон

без контурлари ва ҳаракатчанлигини;



- Қизилўнғач, трахея ва бўйин томирлари ҳолати.

**Brunn усулида ультратовуш ёрдамида қалқонсимон без хажмини аниқлаш методикаси:** қалқонсимон без хажмини унинг ўнг ва чап бўлақлари ҳажми йиғиндиси ташкил қилади. Бўйинчаси хажми умумий без хажмининг 5%ни ташкил қилади, лекин бу миқдор ушбу усулнинг хатолиги (16%) таркибига киритилади ва ҳисобга олинмайди. Ҳар бир бўлақ хажми алоҳида ҳисобланади, икки проекцияда олинади:





кўндаланг (расм 2.3), бунда бўлақнинг кенглиги ўлчанади ва бўйлама (расм 2.4), бунда унинг узунлиги ва чуқурлиги (баландлиги) аниқланади.

Без кенглигини ўлчаш учун кундаланг проекция ҳар бир бўлақ учун алоҳида олинади, бунинг учун ультратовуш асбобини шундай қўйиш керакки, у бўлақ кундаланг ўкини тўғри бўрчак остида кесиб ўтиши керак (расм 2.3). бу проекция бўлақнинг хақиқий кенглигига яқин. Куйидаги эҳограммада тўғри ўлчаш учун тайёрланган безнинг ўнг бўлаги кўрсатилган (чап бўлаги аналогик). Бўлақ кенглигининг ультратовуш ўлчами – бу бўлақ латерал киргогидан унинг медиал (трахеал) юзасига туширилган перпендикуляр ҳисобланади («А» ўлчам).



**расм.2.3.** Бўлак кенглигини ўлчаш учун кундаланг ультратовуш проекцияси: А – бўлак кенглиги (ўнг – 22.5 мм, чап – 21.2 мм)

Бўлакнинг узунлиги ва баландлигини ўлчаш учун бўйлама проекция ўрта бўйлама проекцияга тўғри келади. Бу проекцияда ҳар бир бўлак унинг кўндаланг ўқи бўйлаб чиқарилади, максимал узунлик ва баландликда, бунда ўлчаш учун оптимал кесишмада бўлак контурлари тўлиқ чиқарилади (расм. 2.4).



**Расм. 2.4.** Бўлак узунлиги ва баландлигини ўлчашда бўйлама ультратовуш проекцияси: В – бўлак узунлиги (ўнг – 70.9 мм, чап – 70.9 мм); С – бўлак баландлиги (ўнг – 25.5 мм, чап – 22.4 мм). 1 – тўғри позиция (бўлакларнинг бўйлама кесишуви)

Бўлак узунлиги (расм 2.4, «В» ўлчам) – пастки ва юқориги полюс четки нуқталари ўртасидаги масофа; бўлак баландлиги (чуқурлиги) (расм 2.4, «С» ўлчам) бўйлама кесишманинг энг кенг қисмида ўлчанади, перпендикуляр бўлак олдинги юзасидан орқа юзасига туширилади.



**Кердо индекси** (юрак- қон томир тизимининг вегетатив асаб тизимига таъсир даражасини аниқлайди)

**ДҚБ**

$$КИ = 1 - \frac{\text{ДҚБ}}{\text{ЮҚС}} \times 100$$

**ЮҚС**

1. ДҚБ - диастолик қон босимни, мм.сим.уст.;  
 ЮҚС – юрак қискаришлар сонинг нисбатига та/мин тенг.  
 Нормал кўрсаткичи 1 га тенг: пастки нормал чегараси –5% ни, юқори нормал чегараси +5% гача ташкил қилади.  
 Синамани мусбат натижаси: вегетатив нерв тизимининг симпатик таъсирнинг устунлиги, манфий натижа- вегетатив нерв тизимининг парасимпатик таъсирнинг устунлигини билдиради.

2. Оддий клиник текширишлар асоида шу нарса аниқладикки, вегетатив турғунлик ҳолатида диастолик босим (d) ва пульс сони (p) бирга тенг, яъни куйидаги нисбатда  $\left(\frac{d}{p}\right)$  бўлса, 1 га тенг деб олиш мумкин.

Масалан, артериал қон босим: 130/70 мм сим.уст.; пульс: 70/мин;  $\frac{d}{p} = \frac{70}{70} = 1$

3. Вегетатив тонуснинг симпатикотония тарафга силжиши натижасида диастолик босим тушади, пульс эса кўпаяди. Уларнинг нисбати эса 1 дан кам булади. Масалан, артериал қон босими: 130/60 мм сим.уст.; пульс: 80/мин;  $\frac{d}{p} = \frac{60}{80} = 0.75$ .

4. Парасимпатикотония эса диастолик босим ошиб, пульс сони камаяди, уларнинг нисбати 1 дан ошади. Масалан, артериал қон босим: 130/80 мм. сим.уст.; пульс: 60/мин;  $\frac{d}{p} = \frac{80}{60} = 1.33$ .

5. Агар биз ўртача кўрсаткични 1 деб олиб,  $\frac{d}{p}$  ни ундан айириб, натижани 100 га кўпайтирсак, манфий ёки мусбат бўлган бутун сонга эга бўламиз. Бу кўрсаткич "вегетатив индекс" (В.И) деб аталади. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$В.И. = \left(1 - \frac{Д}{П}\right) \cdot 100.$$

Бу формулага кўра, агар, масалан  $\frac{d}{p} = 1$  бўлса, яъни ўртача кўрсаткич билан бир хил бўлади, бунда В.И.= 0 бўлади. Агар  $\frac{d}{p} < 1$  дан кичик бўлса, В.И мусбат бўлади. Агар  $\frac{d}{p} > 1$  дан катта бўлса, В.И. манфий бўлади. Мусбат натижа вегетатив тонуснинг симпатик тарафга оғанлигини, манфий натижа эса парасимпатик тарафга оғанлигини англатади. Масалан, агар  $\frac{d}{p} = 0.75$ , В.И.= +25 (симпатикотония) бўлади, агар  $\frac{d}{p} = 1.33$ , В.И.= -33 (парасимпатикотония) бўлади.


Шундай қилиб, кердо ва вегетатив индексни кўллаган ҳолда вегетатив тонуснинг қайси тарафга оғанлигини аниқлаш мумкин.

Лаборатор кўрсаткичлардан умумий қабул қилинган усулда периферик қонда эритроцитлар миқдори, гемоглобин қонцентрацияси, лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдори аниқланди. Билирубин миқдорини Йенд-Рашик бўйича колориметрик диазометодда аниқладик, холестеринни ферментатив оксидланиш ва гидролиз усулида, аланинаминотрансфераза (АлАТ) ва аспартатаминотрансферазани (АсАТ)


кинетик усулда аниқланилди. Умумий оксил концентрациясини Биўретли усулда, унинг фракцияларини қоғозда электрофорез усулида аниқланилди. Коагулограмма характеристикаси учун протромбин вақти Квик усулида (Quik, 1966), тромбин вақти Биггс Макфарлайн бўйича (Biggs, Macfarlane, 1962), фибриноген Р.А. Рутберг бўйича (1961) аниқланилди. Клинико-лаборатор текширувлар СамМИ клиник лабораторияси шароитида ўтказилди.

**Қонда ТТГ, эркин Т4, Т3 гормонларини аниқлаш** Тиреоид гормонлар (тироксин-Т4), ҳамда гипофизнинг тиреотроп гормони (ТТГ) қон зардобидаги миқдори радиоиммун усулда, Венгрия, Будапешт «Изотоп» институтида ишлаб чиқарилган РК-КТ-І РИА-набор ёрдамида текширилди. Гормонлар миқдорини текшириш қалқонсимон без касалликлари диагностикасининг муҳим усулларида бири. Тахлиллар тиббиётнинг бир нечта муҳим масалалари ечими ҳисобланади: бошланаётган касалликни эрта босқичларида аниқлаш, гормонларнинг ишлаб чиқарилиш даражасини аниқлаш ва эндокрин безлар функциясини баҳолаш. Ишончли натижалар олиш учун қон тахлилини эрталаб 8 дан 10 гача, оч қоринга, текширувдан 10-12 соат олдин ҳеч нима емасдан топшириш керак. Бемор қон олиш вақтида тўлиқ психологик ва физик

комфортда, совуқ қотмаган бўлиши керак. Текширувдан олдин спиртли ичимликлар ичмаслик, чекмаслик ва жисмоний зўриқмаслик керак. Текширувдан 2-4 хафта олдин қалқонсимон без функциясига таъсир қилувчи препаратлар, перорал контрацептивлар, кортикостероидлар, транквилизаторлар ва аспирин қабул қилиш тўхтатилади. Биз беморларда Т3, ТТГ ва эркин Т4 гормонлари миқдорини аниқладик. **Эркин Т4** – организмда оксиллар алмашинувини стимулловчи гормон. Бу гормон кўп ишлаб



Тироксин (Т4)



Трийодтиронин (Т3)

чиқарилиши моддалар алмашинувини стимуллайди ва кислород сарф бўлишини кучайтиради. Бу гормонни текшириш тиреоидитлар, гипотиреоз, токсик бўқоқ каби касалликларни ташхислашда муҳим саналади. Нормада 9,0 пмоль/л дан 22,0 пмоль/л гача.

**Эркин T<sub>3</sub>** – трийодтиронин, эркин T<sub>4</sub> бир йод радикалини йўқотган шакли, қон зардобида оксиллар билан боғланган ҳолатда бўлади, шунинг учун унинг эркин шакли миқдори аниқланди. Нормада 5,4-12,3 пмоль/л.

